


Ислом цивилизацияси марказида қадимий Қуръон нусхалари қандай сақланади?



11:30 / 02.02.2025 1475

Ислом цивилизацияси марказига уюштирилган медиа-тур давомида марказ ходими Азим Ғофуров қадимий Қуръон нусхаларини, жумладан, Усмон Муҳафани янги бинога кўчириш ишлари ҳақида маълумот берди.

"Қуръон залида аجدодларимизга тегишли ва бевосита юртимизга боғлиқ бўлган 114 та Қуръон нусхалари олиб келиниб, витриналарда намойиш қилинади. Китобларнинг нусхалари олиб келиниши кўзда тутилган асли эмас. Фондлар ҳам асил нусхани Ўзбекистонни мулки экан деб бериб юборса, нур устига нур лекин асосан уларнинг факсимил нусхалари олиб келинади. Уларга зарар етмайди", — деди у.

Марказда Қуръони карим зали, қўлёзмаларни тиклаш ва рақамлаштириш бўлимлари, 100 мингдан ортиқ тарихий асарларни ўз ичига олган кутубхона ташкил этилиши режалаштирилган. Ҳамма учун марказ очиқ, ҳатто шанба-якшанба кунлари ҳам келиб кўриш мумкин бўлади.

Манба: UzDiplomat.uz